O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 13-IYUL ■ SESHANBA ■ 83 (27.258) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ТЎҒРИ ЙЎЛ БИТТА:

## ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ




«Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз, энг улуғ шиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб — олға юриш!»

**Президентимиз Ислом Каримовнинг бу сўзлари замирида мамлакатимиз халқ хўжалиги иқтисодиётининг барча жабҳаларида чинакам мустақилликка эришиш, уни мустаҳкамлаш ва янги-янги кўламлар, марралар сари ҳаракат қилиш жоизлиги уфуриб турибди. Ана шундай жабҳалардан бири, истиқлолимизнинг илк кезлариданоқ тилимизга ва дилимизга тушган мақсадимиз, шиоримиз – бу, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларини жадаллаштириш, аҳолининг ижтимоий фаровонлиги кўрсаткичларини кўтариш ва пировардида инсон салоҳиятини ошириш эди.**

**Зеро, ўтган 13 йил ичида мамлакатимиз ўз ҳаётининг барча соҳалари ва тармоқларида ўта қийин ва мураккаб синовларини бошдан кечирди... Энди-чи?**

**Энди Ўзбекистондаги жамият барқарорлиги ва ижтимоий фаровонликнинг юқори даражаси БМТ ва халқаро мустақил тадқиқот марказлари томонидан тасдиқланган, умумэътироф этаётган мутлоқ ҳақиқатга айланмоқда. Бахтга қарангки, тоталитар тузумдан хийла мураккаб муаммолар мерос бўлиб қолганига қарамай, оқибати жуда ҳам хавфли бўлган инқирозлардан чиқиб олдик. Танлаган йўлимиз тўғрилигини ва Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг миллий модели — тараққиётнинг самарали усули эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.**

**Бугун газетамизда эълон қилинаётган ва мустақилликнинг 13 йиллигига бағишланган таҳлилий мақолада айни ана шу йўлимиз — истиқлол йўли, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўлининг баъзи қирралари ҳақида ҳикоя қилинади.**

2-бет

# «ҚОЛМОҚҚИР» — НОДИР МЕТАЛЛАР КОНИ


Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг салмоқли улуши бор. Корхона жамоаси ишлаб чиқариш суръати ва сифатини яхшилаш борасида юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Олтин, кумуш, мис, қўрғошин, рух каби кўплаб нодир, қимматбаҳо металлар тайёрлаш ҳажми ортмоқда. Уларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилиняпти. Комбинатнинг мис-молибденга бой «Қолмоққир» конида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

— Бу ердан бир кеча-кундузда етмиш минг тонна атрофида маъдан қазиб олинмоқда, — дейди кон техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг ўринбосари Муҳиддин Қосимов. — Замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланиш ва кончиларга зарур шароит яратиш ҳисобига биз бу кўрсаткични янада ошириш ниятидамиз.

Дарвоқе, «Қолмоққир» дунёдаги йирик фойдали қазилмаларга бой конлардан. У замонавий тоғ-кон транспорти воситалари билан тўла таъминланган. Таркибида маъданни очиқ усулда қазиб олиш конлари, бойитиш фабрикалари, металлургия заводлари, иссиқлик электростанцияси, таъмирлаш-механика заводи, автотранспорт ва темир йўл бўлинмаларини бирлаштирувчи мураккаб улкан саноат мажмуи ишлаб турибди.

Хусусан, мис эритиш заводида маъдан кислород машъала печида эритилмоқда. Мис эритиш цехи бошлиғи Бахтиёр Ваққосовнинг гапларига қараганда, бу янгилик мисдан олтин ажратиб олиш миқдорини янада оширди. Ишлаб чиқариш жараёнида чиқадиган олтингугурт чанги ва қолдиқ металларни тутиб қоладиган тозалаш-фильтрлаш участкасининг ишга туширилиши эса атмосферага чиқиб кетаётган чангни 90-95 фоиз ушлаб қолиш имконини бермоқда.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири**







*Суратларда: (чапдан) энергетик К.Дианов, марказий кон муҳандиси Н.Жўраев, кон бошқармаси техника ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи муовини М.Қосимов ва А.Волковский; «Қалмоқир кони»дан лавҳа.*

*Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар*

Халқ демократик партияси ҳаётидан

# ОЛДИНДА – МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК Котибиятининг Марказий Кенгаш биринчи котиби Аслиддин Рустамов бошқарган навбатдаги йиғилишида партияда ҳисобот-сайлов кампаниясининг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон ХДП МК котиби Собиржон Усманов шу ҳақда ахборот берди.

Ўзбекистон ХДП Низоми ва Марказий Кенгаш VII пленуми қарорига мувофиқ жорий йилнинг апрель-май ойларида барча бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди, шаҳар ва туман партия конференцияларини ўтказиш ниҳоясига етмоқда. Улар уюшқоқлик билан, иштирокчиларнинг фаоллигида ўтаётир.

Июль ойи охирларида Ўзбекистон ХДПнинг навбатдаги қурултойи олдидан муҳим босқич бўлган минтақавий партия конференциялари бошланади. Ҳозир уларга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Муҳокама пайтида сўзга чиққан Марказий Кенгаш котиблари Изидор Кочмарик, Михаиль Ельшов ва бошқалар минтақавий партия конференцияларига ҳар томонлама тайёргарлик кўриш, бу ишда маҳаллий партия кенгашларига Марказий Кенгаш томонидан услубий-ахборий ёрдам кўрсатишни кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, тайёргарлик жараёнида шаҳар ва туман партия конференцияларини ўтказишда йўл қўйилган нуқсонларни ҳисобга олиш, партия ташкилотларининг бўлажак сайловга тайёргарлигини кучайтириш, барча депутатлар ва фаолларнинг аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшиши муҳимлиги айтилди.

Котибият йиғилишида партия ички ҳаёти ва фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўрилди.

# ИШЧИ ГУРУҲИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу муносабат билан қабул қилган Қарорида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти, ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳияти партия дастурий ғояларига ҳамоҳанглигидан келиб чиққан ҳолда, уларда баён этилган вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва амалга оширишда имкон даражасида иштирок этиш мақсадида, Марказий Кенгаш ҳузуридаги Хотин-қизлар сектори таркибида махсус Ишчи гуруҳини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Ишчи гуруҳи таркибида Олий Мажлис депутатлари, олимлар, санъаткорлар, адиблар, журналистлардан иборат бир гуруҳ хотин-қизлар — партия фаоллари бор.

Мазкур қарорда Ишчи гуруҳи зиммасига тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, жойларда қилинаётган ишларни ҳар ойда умумлаштириб, уларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, тушган таклиф-мулоҳазаларни тегишли ташкилотларга етказиб туриш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия кенгашларига Хотин-қизлар секторлари таркибида шундай Ишчи гуруҳларини ташкил этиш тавсия этилди.

# СОҒЛОМ АВЛОД МАСЪУЛИЯТИ

Яқинда Хоразм вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган «давра суҳбати» ҳам республика Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, уни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотларининг вазифаларига бағишланди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис депутати Ш.Хўжаниёзова ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар ҳақида кенг тушунтиришлар берди. Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Ш.Исмоилов мазкур масала юзасидан Оқсаройда бўлиб ўтган йиғилиш, унда мамлакатимиз раҳбарининг сўзлаган нутқи ҳақида йиғилганларга гапириб берди.

«Давра суҳбати»да Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби Р.Собуров, вилоят «Меҳр-шафқат ва саломатлик» хайрия жамғармаси раиси, вилоят партия кенгаши ҳузуридаги хотин-қизлар шўъбаси раҳбари Л.Асқарова ва бошқалар сўз олиб, хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, тўй ва диний маросимларни ўтказишда аёлларнинг роли ва масъуллигини ошириш юзасидан аниқ таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Сўзга чиққанлар ҳаётимизда учраётган, соғлом авлодни тарбиялашга салбий таъсир кўрсатаётган айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтдилар.

2-бет

«Галла — 2004»

# ТОШКЕНТ: ХИРМОН БАРАКАЛИ БЎЛДИ

— Вилоятимиз давлатга 239 минг 700 тоннадан зиёд сара дон топшириб, йиллик шартномавий режасини бажарди, — деб хабар беради вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибият мудири Акбаржон СУЛАЙМОНОВ. — Агар бунга далаларда етиштирилган уруғлик дон ҳам қўшиб ҳисобланса, 256 минг тоннадан ошади. Жорий йилда ғалла учун ажратилган 135 минг гектар майдонда ҳосилдорлик ўртача 40 центнерни ташкил этди. Хирмонга Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари ғаллакорлари тўккан ҳосил айниқса баракали бўлди.

Вилоятда ўрим-йиғим якунланиши билан ерларни шудгорлаш ва ўрнига такрорий экинлар экиш ишлари жадал давом этмоқда.

**Соҳибжон САЛИМОВ**

# ҚАШҚАДАРЁ КАРВОНИ ҲАМ МАРРАДА

140 минг гектар майдонга сара дон уруғи қадаган вилоят ғаллакорлари давлат хирмонига 274 минг тонна ҳосил тўкиб, шартномавий режаларини бажаришди. Мавсумда Қарши, Яккабоғ, Касби туманлари пешқадамлик қилдилар.

— Бизнинг жамоа ҳам вилоятимиз хирмонига муносиб ҳисса қўшди, — дейди Касби туманидаги уруғчиликка ихтисослаштирилган Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги раиси Амирилло Чориев. — 1020 гектардаги ғалла пайкалларидан гектар бошига 65-70 центнердан ҳосил олдик...

Раиснинг фахрланганича бор. Хўжалик ҳар йили олинаётган даромадлар ҳисобидан 35 миллион сўм маблағ сарфлаб, замонавий қишлоқ врачлик пункти ва харажати 500 миллион сўмга тушган болалар спорт мажмуи қурди. Уруғлик ғаллани сараловчи 20 миллион сўмлик янги мослама ўрнатилди. Йўллар, мактаблар таъмири — ҳаммаси жадал кетмоқда...

**Феруза ИСАЕВА**

✧✧✧

**Суратда:** хўжалик раиси Амирилло Чориев ижара пудрати бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайбулла Раҳмонов билан.



*Шавкат АКРАМОВ олган сурат*

# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ МЕЪМОРЧИЛИГИ»

Берлинда ушбу мавзуда таниқли немис фоторассоми Карин Айзенманн асарлари кўргазмаси очилди.

К.Айзенманнинг Ўзбекистонга, унинг маънавий бойлигига ҳурмат ва самимий муҳаббат билан йўғрилган асарлари томошабинлар кўз ўнгида Самарқанд, Бухоро ва Хива меъморчилик дурдоналарининг салоҳияти, ранглар жилваси ва нафис руҳдаги пардоз анъаналарини гавдалантиради.

Намойиш этилаётган қиррқа яқин ижод намуналарида замонлар синовидан мағрурона ўтиб, ўзининг чуқур илдизлари ва тарихий хотирага содиқлигини сақлаб қолган ўзбек халқининг кўп асрлик меъморчилик санъати ҳақида ҳикоя қилинади, дея таъкидлаш мумкин.

Берлин ислом санъат музейи директори, профессор К.Хаазенинг қайд этишича, Ўзбекистон қадимий меъморчилигининг ноёб ва бетакрор қирралари бугунги кунда ҳам тадқиқотчилар, рассомлар ва сайёҳлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда.

Фотокўргазма 12 сентябргача давом этади.

**Аслам АКБАРОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
Берлин.

# ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Зарбдор туманида фаолият кўрсатаётган «Элдор-1» фермер хўжалиги пахта ва ғалладан мўл ҳосил олиш эвазига даромадини йилдан-йилга кўпайтириб келаяпти. Пешона тери эвазига топилган даромадни эса фойдали ишга сарфлаган маъқул. Анча мулоҳазадан сўнг фермер кичик ун заводи қуришга қарор қилди. Бу борада Осиё тараққиёт банкидан олган 240 минг АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредити қўл келди.

Тез орада кичик завод ҳам ишга тушди. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 25 тонна сифатли ун тайёрланаяпти. Корхонада 30 дан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилишаётир. Муҳими, фермер қурган ун заводи тамғаси билан чиқарилаётган маҳсулотга талабгорлар кўпайиб бораётир. Бундан фермернинг даромадига яна даромад қўшилаяпти. «Иш билганга минг танга» деб шунга айтсалар керак.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 740,39 | 1 Польша злотийси | 281,41 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1899,05 | 1 СДР | 1514,89 |
| 1 Дания кронаси | 170,63 | 1000 Туркия лираси | 0,71 |
| 1 БАА дирхами | 278,50 | 1 Швейцария франки | 835,45 |
| 1 АҚШ доллари | 1022,92 | 1 ЕВРО | 1267,81 |
| 1 Миср фунти | 165,52 | 10 Жанубий Корея вони | 8,91 |
| 1 Исландия кронаси | 14,40 | 10 Япония иенаси | 94,79 |
| 1 Канада доллари | 776,35 | 1 Россия рубли | 35,14 |
| 1 Хитой юани | 123,59 | 1 Украина гривнаси | 192,30 |
| 1 Малайзия ринггити | 269,22 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ТЎҒРИ ЙЎЛ БИТТА: ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Биз билан гўё кечагина хайрлашган ўтган аср... Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кезлари. Аниқроғи, 1991 йилнинг охири, 1992 йилнинг боши. Собиқ иттифоқ парчаланиб, шўро даври кунпаякун бўлган ойлар. Мустабидлик давридаги олдибердилар талаш бўлиб, ким кимдан қарзу, ким-кимга қарздор эканлиги устида баҳслар кетаяпти...

Бошқа республикалар қатори Ўзбекистон ҳам кўп нарсаларда узилишлар сеза бошлади... Қийин аҳволда қолдик. Ишлаб чиқариш жараёнларида бири-бирига занжирдек боғланиб кетган кўплаб саноат корхоналари тўхтаб қола бошлади.., хомашё, эҳтиёт қисмлар танқислиги... Одамларда «энди буёғи нима бўларкин? қандоқ тугаркин?» деган ташвиш, шубҳа, гумон... Аҳолининг айрим қатламларида ишончсизлик...

Айниқса, дон, ун, нон масаласи кўндаланг турди. Иқтисодчиларимиз 6 миллион тонна ғалла керак, дейишди. Бу — йиллик эҳтиёжимиз эди. Лекин уни қаердан, қайси маблағга олардик. Москва ўша кезларда амалдаги рублидан ҳам сиқа бошлади. Боз устига, дон сотиб олиш учун рубл эмас, валюта керак эди. Уни бизга ким берарди?

1992 йил — июль ойининг боши...

Ҳамон эсимда. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида халқ ноиби эдим. Кенгашнинг X сессиясида Президентимиз Ислом Каримов ташвиш билан минбардан айтдилар: **«...Жуда оғир аҳволга тушиб, нақд очарчилик остонасида турибмиз... Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди...».**

Ҳа, дарвоқе, жуда катта хавф даҳшат билан бостириб келаётган иқтисодий танглик иқтисодиётимизни ўз исканжасига олаётган пайтлар эди. Ўша кунлардаги статистика маълумотларига кўра йигирма бир миллион нафар аҳолини боқиш осон эмасди-да! Юртбошимиз ўша маърузасида образли қилиб яна айтдилар: **«Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди».**

Ва яна давом этдилар: **«Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйинимизда оғир юк бўлиб кетмайдими?**

**...Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум. Лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади... Биз айрим давлатларга ўхшаб садақага қўл чўзиб турганимиз йўқ...»**

Қаранг, давлатимиз раҳбари тақдиримизга чанг солиб турган катта иқтисодий тангликнинг хавфли жари ёқасида бировдан тўловини ўйламай қарз олиб, эртанги авлодлар бўйнига қарз кишанини илиб қўйишдан хавотирланаяпти ва улар олдида катта гуноҳга қолмасликни ўйлаяпти. Аммо, шундай бўлса-да, яна ғурур билан **«...садақага қўл чўзиб турганимиз йўқ...»** демокда.

Чиндан ҳам қалбингда ғурур уйғотадиган сўзлар бу... Бу ғурур Юртбошимизнинг аввало ўзига, қолаверса, халқига, эртанги куннинг танланган йўлига бўлган ишончи тимсоли эди. Йўқса, ҳозир таърифлаганимиздек, вужудга келган иқтисодий танглик маҳали жойларда низо туғилиши ҳеч гап эмас эди. Туғилди-ям: Фарғона, Бўка, Паркент... Юз берган фуқаролар тўқнашувида одамлар нобуд бўлди, қон тўкилди... Жойларда аҳолининг қўли ишга бормай, мол-ҳол қаровсиз қолди, далаларга экин экилмади... дўл-сел, зилзила, дўконларда пештахталар бўш... Халқнинг тинкаси қуриб, халқ хўжалиги юз миллиардлаб сўм зарар кўрди... Устига-устак, ўзини «мухолифат» санаган сохта демократлар «танглик»дан фойдаланиб, одамларда учкунлаб турган норозилик кайфиятларини алангалатишга, ололмонни тўплаб тўс-тўполон бошлашга уриндилар...

Қаранг, бор-йўғи ўн уч йиллик тарихимиз қандай бошланган эди... Лекин, боя Президентимиз айтганидек, садақага қўл чўзмадик, ғуруримизни ерга урмадик. Иқтисодиёт ва жамиятни ислоҳ қилишнинг **беш асосий тамойили**га кўра, кучли ижтимоий муҳофазага зўр бердик. Бошқа мамлакатларда кенг қўлланилган «фалаж қилиб даволаш» моделини инкор этиб, ўзимизга хос ва мос ўзбек моделини яратдик. Унинг туб моҳиятини ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, ижтимоий соҳанинг ҳамма таркибий қисмларини жадал такомиллаштириш стратегиясини тезроқ ишлаб чиқиш деб билдик.

...Орадан ўтган дастлабки ўн йиллик арафаларида, аниқроғи, 2000 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик декларацияси қабул қилиниб, уни дунёнинг 189 давлати қатори биз ҳам имзоладик. Халқ фаровонлигини оширишга қаратилган 18 та асосий вазифани бажариш мажбурияти олинган мазкур декларация ижросига биз ҳам киришдик. Мақсадимиз — иқтисодий танглик исканжага олган ўша 90-йиллар бошидаёқ қатъий белгиланганидек, Истиқлол йўлидан, Мустақиллик йўлидан, озодлик ва эркинлик йўлидан изчил бориш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқимиз учун фаровон турмуш тарзини яратиш, пировардида, жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўрин эгаллаш эди.

Ҳурриятда ўтган ўн уч йиллик қисқа (аммо мазмун-моҳияти асрларга татигулик!) тарихимиз шуни кўрсатдики, танлаган йўлимиз аниқ, равшан ва тўғри экан. Ҳаёт буни тўла тасдиқламоқда: дон масаласи ҳал бўлди, нефть, газ, электр энергия ишлаб чиқариш изга тушди, экспорт йўлга қўйилди... Аҳолининг ишсизлик даражаси камайди, жон бошига ялпи маҳсулот тайёрлаш ошди, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариб хусусийлаштириш авж олди, қишлоқ хўжалик соҳаларида ҳосилдорлик кўпайди, савдо, транспорт, алоқа, қурилиш каби тармоқлар ривож топди... Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яшил йўл очилди, солиқнинг соддалаштирилган тизими кенг жорий топди, жалб қилинган хорижий кредитлар самара бера бошлади, қўшма корхоналар қанот ёйди ва ҳ.к.

Бугунга келиб турли халқаро ташкилотлар социолог-иқтисодчилар аҳоли фаровонлигининг кечаги ва ҳозирги даражасини қиёслаб, натижасини тўғри ва холис баҳолаб, халқаро доирада мамлакат ўрнини белгилай бошлади.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг октябрь ойи бошларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмаси билан Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилган 2002 йил тадқиқотлари эълон қилинди. Дунёнинг 27 мамлакати турмуш тарзининг фаровонлик даражаси «Жини» коэффициентига кўра қиёсий таҳлил этилган бу тадқиқотда Ўзбекистон энг яхши кўрсаткичга эга эканлиги намоён бўлди.

Биласиз, мураккаб иқтисодий бўҳронлар, низолар ва ижтимоий соҳадаги оғир муаммоларни бошидан кечирган мазкур мамлакатлар илгари тарқаб кетган давлатлар ҳудудларида пайдо бўлиб, аҳолишунослик харитасида катта ўзгаришлар рўй берди. Тадқиқотда айни шу харитага тушган мамлакатларнинг фаровонлик кўрсаткичлари билан бирга амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий жиҳатига холис баҳо берилди. Хусусан, унда Ўзбекистон халқи тинчлик ва барқарорлик сарҳадларида собит туриб, мустақилликнинг илк кунларидан бошлабоқ бошқарув сиёсатида **энг тўғри йўл**ни танлаганлиги яна бир бор ўз ҳаётий тасдиғини топди.

Тадқиқотда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотининг амалдаги ўсиши биргина 2002 йилда 1989 йилга нисбатан 106,8 фоиз (МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткич!)ни ташкил этганлиги (ҳолбуки, бу кўрсаткич Молдовада 38,4, Россияда 64,3, Қозоғистонда 85,6 фоиз бўлганлиги) таъкидланди. Унда келтирилган рақамларнинг эътиборли жиҳати шундаки, аввало уларни бизнинг яқин дўстимиз, қариндошимиз ёхуд бизга хайрихоҳ бирор киши эмас, балки башариятнинг энг нуфузли ва энг холис халқаро ташкилоти — **БМТнинг Болалар жамғармаси** (ЮНИСЕФ) экспертлари айтишди. Энг муҳими, «Жини» коэффициенти қўлланиб ўтказилган мазкур тадқиқотда аҳоли турмуш даражасининг ижобий томонга ўзгаришини таъминлаш учун мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ижтимоий сиёсат билан уйғун олиб борилганлиги ёрқин ифода этилди.

***Изоҳ: «Жини» коэффициенти деганда, аҳолининг барча қисми бир хил даромадга эга бўлса, «Жини» — 0 га, бордию, ҳамма даромад битта субъект тасарруфида бўлса — 1,0 га тенг бўлади. Илғор мамлакатларда бугунги кунда «Жини» 0,25-0,35 га тенг бўлаяпти. Бу — иқтисодчилар баҳоси билан айтганда, жуда яхши кўрсаткич!***

Дарвоқе, 2002 йилда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари салмоқли бўлди. Бошқача айтганда, иқтисодиётимиз тараққиёти йўлида ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижалари, стратегик салоҳиятимиз ва узоқ истиқбол ҳамда яқин келажакка мўлжалланган Дастуримиз бугунги кун амалиётига мос тушди. Мустақилликда ўтган йилларнинг ҳар биридаги каби ислоҳотларни эркинлаштириш ва халқ хўжалиги тармоқларида барқарор, мутаносиб ўсишни таъминлашга йўналтирилган йўл изчил давом эттирилди. Хусусан, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва акциялаштириш ҳамда хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ҳиссасини янада оширишга алоҳида эътибор берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг **«2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари»**га бағишланган (2003 йил, февраль ойи) мажлисида қайд этилган мана бу фактларга диққат қилинг: 2002 йил давомида 2 мингга яқин (дастурда кўзда тутилганидан 1,5 баробар кўп) давлат корхонаси ва объектларида мулк шакли ўзгартирилди. Давлатга қарашли корхоналар объектларининг 1 минг 280 таси тўлиқ хусусий мулкка айлантирилди. Мавжуд 240 минг микрофирма, кичик ва ўрта корхонанинг 38 мингга яқини фаолият кўрсата бошлади. Биргина тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан 370 минг янги иш ўринлари яратилди. Ялпи ички маҳсулотнинг 73,3, саноат маҳсулотларининг эса 71,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг деярли ҳаммаси нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келди.

Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 2002 йилда ялпи ички маҳсулот — 4,2 фоизга, саноат маҳсулотлари — 8,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 6,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 11,8 фоизга ўсди. Бошоқли дон етиштириш бўйича эса — 5 миллион 400 минг тонналик улкан хирмон бунёд этилди.

Иқтисодиётга жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 3,8 фоизга кўпайиб, 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортди. Шундан, 650 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 20 фоиздан кўпроғи хорижий инвестициялар бўлди.

**«Буларнинг барчаси,** — деган эди ўшанда Президентимиз Ислом Каримов, — **тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ».**

Ҳа, ЮНИСЕФ мониторинги тадқиқоти кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, 2002 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги йўлида макроиқтисодий ўзгаришлар суръати жадаллашди. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий жиҳатини кучайтириш ва одамларнинг турмуш тарзи даражасини кўтариш йўлида махсус фармонлар билан хусусий сектор роли оширилди. Корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги кенгайтирилди.

Шунингдек, концернлар, уюшмалар ва холдинг компанияларининг илгаригидек вазирликлар каби буйруқбозлик асосида эскича иш юритишларига чек қўйилди. Уларнинг корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувига барҳам берилди. Акциядорлик жамиятларига айлантирилган жамоаларни бошқаришда акциядорлар роли кучайди. Ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан мунтазам янгилаб бориш учун йирик трансмиллий компанияларни профессионал кадрлар билан таъминлаш тизими яратилди.




Шубҳасиз, буларнинг барчаси **ислоҳотлар ислоҳотга эмас, одамларга хизмат қилишини** изчил таъминлаб бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳияти ва ижтимоий нуфузини тобора оширишда асосий омил бўлди. Бу 2003 йил якунларида ҳам яққол кўринди: Масалан, **инфляция даражаси** 2002 йилдаги **21 фоиздан 3,8 фоизга** пасайди. Давлат бюджети тақчиллиги 0,4 фоизни ташкил этди. (Умуман, бу кўрсаткич 1998 йилдан бери ялпи ички маҳсулотнинг 2 фоизидан ошмади). Шунингдек, ялпи ички маҳсулотга нисбатан ташқи қарзларимиз ҳажми 25 фоиз бўлди. (Ҳолбуки, бу кўрсаткич Қирғизистонда 125 фоиз, Россида 70 фоиздан юқори, Қозоғистонда 38 фоизга тенг) Экспорт таркибида машина ва ускуналарнинг улуши 1995-2003 йиллар давомида 3 баравар ошди. Газлама, кимёвий ва пластмасса маҳсулотлари, автомобиллар ҳамда хизматлар улуши ортди. Қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминланиш даражаси 75 фоизга (мустақилликкача у 19 фоиз эди), ичимлик сув билан таъминланиш эса 55 дан 75 фоизга кўтарилди.

Меҳр ва мурувват йилининг ўтган олти ойлик якунлари янаям салмоқли, залворли бўлди... Иш ҳақи, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар ошиб, аҳолининг пул даромадлари кўпаймоқда. Истеъмол бозори ўзимизда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган жаҳон андозаларидаги сифатли, кўркам ва арзон маҳсулотлар билан тобора кўпроқ тўлдириб борилмоқда. Пировардида, хусусийлаштириш жараёнлари тезлашиб, корпоратив бошқарув услубига ўтила бошланди. Паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхоналарда таркибий ўзгартириш ҳамда молиявий соғломлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Давлатимиз иқтисодий сиёсатининг натижаси ўлароқ, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга бу йил жами бюджет сарф-харажатларининг қарийб 48 фоизи йўналтирилаяпти.

Мустақиллик йиллари ўсиши ва юксалишидан дарак берувчи бундай рақамлар кўп, далиллар бисёр... Афсуски, ҳозир уларнинг ҳаммасини айтиб ўтиришга имкон йўқ. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётига оғир номутаносибликларни мерос қилиб қолдирган собиқ шўро тузуми илгари бизни «социалистик меҳнат тақсимоти»да фақат хомашё манбаига айлантирган эди. Экспортимизнинг 90 фоизи хомашё ресурслари ва уларни бирламчи қайта ишлаш маҳсулотларига тўғри келарди. Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари (ва қисман хомашё турлари) экспортида бутунлай қарам эдик.

Биргина мисол: 1990 йилда умумий импорт ҳажмида ҳам ускуналаримиз улуши 10 фоиздан ошмаганди. Аммо иқтисодиёт ва модернизация жараёнларини жадаллаштириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириб, улар сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш эвазига кейинги 4-5 йилдаёқ ускуналар ва бутловчи қисмларнинг импорт даражаси ҳиссаси МДҲ давлатлари орасида энг юқори кўрсаткич — 60 фоизга етди. Экспортда хомашё устунлигига барҳам берилиб, пахта толаси экспорти 20 фоиздан камайди, тайёр маҳсулотлар ҳажми 2 баравар ортди.

Яна бир муҳим кўрсаткич — инсон салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган дастур ва кўрилаётган чоратадбирлар кўлами кенгайиб, унинг ижроси жараёнларига Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ҳамда Япония, Испания ва Қувайт ҳукуматлари томонидан жами 172,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

✧✧✧

Қиёсий рақамлар ва шарҳ. «Дунё ривожланиши тўғрисида ҳисобот, Жаҳон банки, 2002» ва «Ижтимоий мониторинг, UNICEF, 2003» манбаларидан олинган маълумотларга кўра ижтимоий фаровонлик кўрсаткичини ҳисоблашда қўлланилган тартибнинг ягона индекси асосида жамланган қуйидаги жамланма жадвалга эътибор беринг. Ундаги кўрсаткичлар қиёси (таққоси) бўйича (аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан) Ўзбекистон ҳозирча етакчи ўринларга кўтарилганича йўқ. Бироқ мақоламизда келтириб ўтилган аҳоли фаровонлигининг барча кўрсаткичлари йиғиндиси асосида жамланган бу индексга кўра у МДҲ мамлакатлари орасида анча илдам бораяпти.

**МДҲ мамлакатлари фаровонлик кўрсаткичи:**

| Давлат | Ижтимоий фаровонлик кўрсаткичи (жамланма кўрсаткич) | Рейтинг |
|---|---|---|
| Озарбайжон | 0,717 | 3 |
| Арманистон | 0,585 | 11 |
| Беларусь | 0,719 | 2 |
| Грузия | 0,602 | 9 |
| Қозоғистон | 0,667 | 4 |
| Қирғизистон | 0,598 | 10 |
| Молдова | 0,580 | 12 |
| Россия | 0,626 | 6 |
| Тожикистон | 0,619 | 8 |
| Туркманистон | 0,652 | 5 |
| Украина | 0,622 | 7 |
| Ўзбекистон | 0,738 | 1 |

**Изоҳ:** Дунёда аҳоли фаровонлиги кўрсаткичларини жамлаб баҳолашда бир-бирига яқин ва муштарак тартиблар кўп. Масалан, нуфузли мустақил тадқиқот марказларидан бири — Пью Ресерч Сентер ижтимоий тадқиқот Маркази (АҚШ) ўтказган ўзига хос таҳлил натижалари ҳам юқоридаги жамланма индекс кўрсаткичлари баҳосини билвосита тасдиқлади.

Марказ жаҳоннинг 44 мамлакати аҳолиси ўртасида, жумладан, МДҲ давлатларидан — Ўзбекистон, Россия ва Украинада сўров ўтказиб, Ўзбекистонда аҳолининг 70 фоизи мамлакатдаги мавжуд турмуш тарзидан мамнун эканликларини аниқлади. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Хитойда 50 фоиз атрофида, Россияда — 20, Украинада — 9 фоиз экан, холос.

Ёки Марказнинг яна шундай ўзига хос сўровларидан бирига турли давлатларнинг аҳолиси ўз мамлакатлари раҳбарларига муносабат билдирган. Яъни, сўровда одамларнинг неча фоизи ўз йўлбошчилари фаолиятини маъқуллаётганлиги — қўллаб-қувватлаётганлиги, аниқланган:

Ислом Каримов **(Ўзбекистон)** 95 фоиз; Владимир Путин **(Россия)** 85 фоиз; Жорж Буш **(АҚШ)** 71 фоиз; Жак Ширак **(Франция)** 62 фоиз; Герхард Шрёдер **(Германия)** 57 фоиз; Тони Блэр **(Буюк Британия)** 54 фоиз; Леонид Кучма **(Украина)** 33 фоиз ва ҳ.к.

Бу кўрсаткичлар изоҳга муҳтож эмас, албатта.

✧✧✧

...Тўғри, буларнинг ҳаммаси бугун мамлакатимизда ҳамма ижтимоий масалалар ҳал этилди, муаммолар йўқ, дегани эмас, албатта. Узоқ муддатли стратегик дастурларимизда аҳоли даромадининг ҳозирча (ҳозирча!) унча юқори бўлмаган ўртача даражасини оширишга алоҳида урғу берилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги мавжуд ортиқча ишчи кучлари миқдорини камайтириш учун қишлоқда — қишлоқ хўжалиги тармоғига кирмайдиган қайта ишлаш саноати шаҳобчаларида қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида (ижтимоий хизматда ҳам) бандликни янада кенгайтириш шарт-шароитларини яратиш зарурлиги белгилаб қўйилган. Истеъмол бозорини тўлдириш орқали аҳоли даромадининг ўсиши ва унинг тўлов қобилиятини ошириш чоралари борасида қатъий йўл-йўриқлар кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари биз аввал бошданоқ битта тўғри йўлни: истиқлол йўлини, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўлини танлаганимизнинг, юртимизни иқтисодий ва ижтимоий инқироздан олиб чиқолганимизнинг ёрқин тасдиғидир. Чунки, биз истиқлолнинг илк тонглариданоқ, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исбот қилиш учун бирор бир халқ ёки миллат насибасига кўз тикмадик ёхуд «садақа»сига қўл чўзиб, улар кўзлаган манзилларни орзу қилмадик. Ўз йўлимиздан ўз насибамиз, ўз манзилимиз ва ўз келажагимиз сари собит қадам ташладик, ташлаяпмиз, ташлайверамиз.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»нинг ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиёт бўлими мудири**

**Халқ демократик партияси ҳаётидан**

# СОҒЛОМ АВЛОД МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жумладан, аёллар, қизларнинг кийинишидаги нуқсонлар, баъзи хотин-қизларнинг спиртли ичимликларга рўжу қўяётганлиги, тамаки, ҳатто гиёҳванд моддалар истеъмол қилаётганлиги ҳақида тўхталдилар.

Албатта, дейилди тадбирда, мана шундай салбий ҳолатларнинг юзага келишига асосий сабаб биринчи навбатда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг аҳоли ичига кириб бормаётганлигидир. Шунингдек, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳам мазкур масалаларда етарлича фаоллик кўрсатмаётирлар. Хотин-қизларимиз ўртасидаги кичик масалалар эртага катта муаммоларга, келажак авлод тарбиясининг ахлоқий мезонлари бузилишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинган бу муҳим ҳужжатлар орқали ана шуларнинг олдини олиш вазифалари белгиланди. Фақат уларнинг ижросини таъминлаш учун барчамиз биргаликда кураш олиб боришимиз зарур, дея таъкидлашди «давра суҳбати» иштирокчилари.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# КЕЛГУСИ ИШЛАР РЕЖАСИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги Ёшлар маркази йиғилишида келгусида қилинажак ишлар режаси ҳақида фикрлар алмашилди. Ҳар бир аъзо ўзининг аниқ таклифларини айтди.

— Фаолиятимиз фақат пойтахт ва унинг атрофи билан чегараланиб қолмаслиги керак, — деди ёш олима Гулноза Сатторова. — Бу ердаги ёшлар, шундоқ ҳам эътиборда. Чекка-чекка ҳудудлардаги ёшлар, уларнинг фикр-ўйлари, қизиқишлари, муаммолари ҳақида сўровчилар кам. Шунинг учун биз фаолиятимиз орқали бутун мамлакатимиз ёшларини кенг қамраб олишимиз керак.

— Бунинг учун, — дейди ёш актёр Улуғбек Йўлдошев. — ХДП вилоят, шаҳар, туман кенгашлари қошида ҳам худди шундай марказлар фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

— Хўш, биз тенгдошларимиз олдига нималар, қандай дастурлар билан чиқамиз, — дейди «Али-Акбар» таэквандо GTF клуби раҳбари Али-Акбар Восиҳов. — Биз аввалроқ бошлаган «Ёшлар ёшлар орасида» деб номланган ҳаракатимизни изчил давом эттириб, уларнинг олдига ўзимизнинг аниқ, содда, ёшларбоб дастурларимиз билан чиқишимиз, асосийси, уларни сафимизга торта олишимиз керак.

Йиғилишда шу йил охирига қадар қилинажак ишлар ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.


Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

# КУНЧИҚАР ЮРТДАН БЕҒАРАЗ МАДАД



Хўжаобод туманидаги 24-умумтаълим мактабига Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтож элчиси ташриф буюриб, мактабга Кунчиқар юртнинг 53 минг 910 АҚШ доллари қийматига тенг беғараз ёрдамини топширди. Таълим-тарбия борасидаги муваффақиятлари эвазига шундай ёрдамга муносиб кўрилган аҳил жамоа янги ўқув йилида замонавий услубда таъмирланган ва тўлиқ жиҳозланган мактабда иш бошлайди.



**Суратларда:** мактаб директори Зиёдахон Ғозиева ўқитувчилар даврасида; Япон элчихонаси кўмагида жиҳозланган фан кабинетлари;

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

**Шарҳ**

# БМТ ТИЗИМЛАРИ

## ҲАҚИДА КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНЧАГА ЭГА?

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот эканлигини ҳамма билади. Бироқ бу ташкилотнинг тизимлари, амалдаги тартиб ва қоидалари, мақсад ва вазифалари ҳақида ҳамма ҳам тўлиқ маълумотга эга эмас. Шунинг учун биз билиш зарур бўлган муҳим маълумотлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

БМТ жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1945 йилда Сан-Францискода ташкил этилди. Ўша йили июнда қабул қилинган БМТ Устави октябрь ойида элликта мамлакат томонидан ратификация қилинди. БМТнинг бош қароргоҳи Нью-Йоркда, Жон Рокфеллер томонидан совға қилинган ерда қад ростлаган бинода жойлашди. Ҳозир унинг офислари дунё бўйлаб жойлашган. Женева билан Венада ташкилотнинг йирик комплекслари мавжуд.



«Бирлашган Миллатлар» иборасини биринчи марта АҚШ Президенти Франклин Рузвельт иккинчи жаҳон урушида Берлин — Рим — Токио учлигига қарши урушган иттифоқчиларга нисбатан ишлатган. Кейинчалик бу ибора фашизмни таг-томири билан йўқ қилиш учун бел боғлаган йигирма олтита давлат томонидан имзоланган «Бирлашган Миллатлар Декларацияси»да ўз ифодасини топди. БМТ ўз фаолиятини бошлаганидан кейин эса бу ибора жаҳон миқёсида оммавийлашди ва расмий тус олди.

Уставда ташкилотнинг мақсадлари баён қилинган. Бу мақсадлар жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашдан, бунинг учун тинчликка таҳдид қиладиган ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш учун биргаликда курашишдан, жаҳонда тинчликнинг бузилишига олиб келадиган ҳар қандай низолар ҳамда вазиятларни халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида бартараф этишдан, тенглик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдан, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсонпарварлик йўналишлардаги муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга оширишдан, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар барча халқларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишдан, умуман, миллатларнинг келишиб ҳаракат қилишларини таъминлайдиган марказ бўлишдан иборат.

Ана шу мақсадларга эришиш учун БМТнинг барча аъзолари Устав қоидаларига амал қилишлари шарт. Барча аъзо давлатлар мустақил тенгликка асосланадилар. БМТ давлатларнинг ички ваколатларига кирадиган ишларга аралашмайди. Аъзо давлатлар БМТнинг Устав асосида фаолият кўрсатишига ҳар томонлама ёрдам берадилар. Улар БМТнинг қарорларига ва бошқа чора-тадбирларига қарши хатти-ҳаракатлар қилган ҳар қандай давлатга ёрдам кўрсатишдан ўзларини тийиб турадилар. Аъзо давлатлар ўзларининг низоли халқаро масалаларини тинч воситалар билан ҳал қиладилар.

Уставга биноан БМТ таркибида олтита асосий тизим таъсис этилган. Булар: Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик бўйича Кенгаш, Халқаро Суд ва Котибият. Бундан ташқари БМТнинг турли соҳаларни ривожлантириш, инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича дастурлари ҳамда фондлари, қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси бор. Шунингдек, БМТнинг соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, халқаро авиация, метеорология ва бошқа соҳаларда иш олиб борадиган ихтисослашган муассасалари ҳам бўлиб, улар ўз фаолиятларини БМТнинг фаолияти билан мувофиқлаштириб олиб борадилар.

Бош Ассамблея таркибига БМТнинг барча аъзолари киради. Ҳозир улар 191 та. Ҳар бир давлат Бош Ассамблеяга бештадан кўп бўлмаган делегатни вакил қилади. Ҳар бир давлат битта овозга эга. Тинчлик ва хавфсизлик, бюджет ва янги аъзолари қабул қилиш каби муҳим масалаларда овозларнинг учдан икки қисми зарур. Бошқа масалаларда қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Масалаларнинг аксарияти Бош Ассамблеянинг асосий қўмиталарида муҳокама этилади. Жумладан, биринчи қўмитада қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик, иккинчи қўмитада иқтисодиёт ва молия, учинчи қўмитада маданият, ижтимоий ва инсонпарварлик ёрдами, тўртинчи қўмитада мустамлакачилик ва сиёсат, бешинчи қўмитада маъмурий ишлар ва бюджет, олтинчи қўмитада ҳуқуқ билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

Кенг ваколатларга эга бўлган Бош Ассамблея БМТ Бош котибини тайинлайди, ташкилотга янги аъзолар қабул қилади, умуман, БМТ фаолиятида марказий ўринни эгаллайди. Шунга қарамасдан Бош Ассамблея қарори юридик жиҳатдан мажбурий мақомга эга эмас. Аммо бу қарор жаҳон жамоатчилигининг фикрини ифодалагани учун ҳам халқаро миқёсда салмоқли аҳамиятга эга.

БМТ Уставига кўра, ер юзида тинчликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун бутун масъулият Хавфсизлик Кенгаши зиммасига тушади. Бу тизим бешта доимий ва ўнта доимий бўлмаган, яъни ўзгариб турадиган аъзолардан иборат. Буюк Британия, Хитой, АҚШ, Россия, Франция Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. Ўнта вақтинчалик аъзо эса Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланади. Нафақат Хавфсизлик Кенгаши аъзолари, балки БМТ аъзоси бўлган ҳар қандай давлат ҳам ер юзида тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қиладиган ҳар қандай низо ёки можаро юзасидан Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиши мумкин. Бунда ўша давлат овозга эга бўлмаган ҳолда мазкур низо ёки можарони муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бироқ шарти шуки, юз берган низо ёки можаро бу давлатнинг манфаатига дахлдор бўлсагина, унинг муҳокамада иштирок этишига йўл қўйилади. Қабул қилинадиган қарор учун тўққизта давлат ёқлаб овоз бериши керак. Агар Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзосидан биттаси қарши овоз берса ҳеч қандай қарор қабул қилинмайди.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга 54 давлат аъзо. Улар Бош Ассамблея томонидан уч йил муддатга сайланган. Ҳар бир давлат битта овозга эга ва қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Кенгашнинг тўртта доимий қўмитаси бор. Бу қўмиталар ноҳукумат ташкилотлар, дастурларини мувофиқлаштириш, режалаштиришни ривожлантириш, табиий ресурслар бўйича иш олиб борадилар. Бундан ташқари статистика, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий ривожланиш, аёллар ҳақ-ҳуқуқи, жиноятчилик ва ҳуқуқшунослик, фан ва технологияни ривожлантириш, аҳолини кўчириб жойлаштириш, янги ва қайта тикланаётган энергия манбалари, наркотиклар бўйича комиссиялар ишлаб турибди. Женева, Бангкок, Сантьяго, Аддис-Абеба, Бағдод шаҳарларида минтақавий иқтисодий комиссиялар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Кенгаш таркибида ўн битта доимий ишлайдиган экспертлар гуруҳи мавжуд. Баъзан вазият тақозосидан келиб чиқиб махсус экспертлар гуруҳлари тузилади.

Кенгаш маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва иқтисод йўналишларида халқаро масалалар бўйича маърузалар тайёрлайди ҳамда тадқиқотлар ўтказади. Ана шу масалалар юзасидан Бош Ассамблеяга ҳамда БМТ аъзолари бўлган давлатларга тақдимотлар киритади. Шунингдек, Кенгаш ана шу масалалар бўйича ўз ваколати доирасида халқаро конференция чақириши мумкин.

Васийлик бўйича Кенгаш ҳомийликдаги ҳудудларда аҳолининг аҳволини яхшилаш ва уларнинг мустақилликка ҳамда ўз-ўзини бошқаришга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Ҳозир ўн битта шундай ҳудуд бор. Уларнинг аксарияти БМТ ёрдамида алоҳида ҳудудлар ёки бирорта мустақил давлатга қўшилган ҳудудлар сифатида ўз-ўзини бошқаришга эришдилар. Эндиликда Васийлик бўйича Кенгаш ўз иш тартибини ўзгартириб, фақат зарурат туғилган ҳолатдагина тўпланадиган бўлди.

Халқаро Суд БМТнинг бош судлов органи ҳисобланади. Унда давлатлар ўртасидаги юридик низолар ҳал этилади. Шунингдек, Халқаро Суд БМТ ва унинг ихтисослашган муассасаларига маслаҳат-хулосалар беради. Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, БМТнинг бошқа органлари зарур маслаҳат-хулосалар юзасидан Халқаро Судга сўров билан мурожаат қилар эканлар, бунинг учун аввало Бош Ассамблеянинг розилигини оладилар. Суд алоҳида шахсларнинг ишини кўрмайди.

Суднинг таркиби 15 нафар судьядан иборат. Улар Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан тўққиз йил муддатга сайланади. Судья қайси давлатнинг фуқароси эканлиги эмас, унинг малакаси асос қилиб танланади. Ҳатто БМТ аъзоси бўлмаган давлат фуқароси ҳам сайланиши мумкин. Бироқ битта давлатдан бир неча судья сайланиши мумкин эмас. Халқаро суд халқаро конвенциялар, ҳуқуқий меъёр сифатида эътироф этилган халқаро тартиб-қоидалар, ҳуқуқнинг миллатлар тан олган умумий асослари, турли мамлакатлар малакали мутахассисларининг хулосалари асосида қарор қабул қилади.

Ташкилотнинг кундалик ишини Котибият бажаради. Ҳозир бу ерда жаҳондаги турли мамлакатлардан келган 8900 нафар мутахассис ишлаб турибди. Котибиятни Бош котиб бошқаради. Бош котиб Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига биноан Бош Ассамблея томонидан беш йил муддатга сайланади. У янги муддатга қайта сайланиши мумкин. Ҳозирги Бош котиб Кофи Аннан самарали фаолият кўрсатмоқда. Буни кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар, дипломатлар, журналистлар эътироф этишмоқда.

Жаҳон кун тартибида турган энг долзарб масалаларни ҳал этишда, мураккаб муаммоларнинг ечимини топишда, ер юзида тинчликка таҳдидни бартараф этиш ва хавфсизликни таъминлашда, давлатлар ҳамда миллатлар ўртасида тотувликка эришишда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, шубҳасиз, БМТнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Жаҳон ҳамжамиятининг бошини қовуштириб, ер юзида ҳакамлик вазифасини бажараётган БМТдек энг нуфузли халқаро ташкилот ҳақида юқоридаги зарур маълумотларни билиб қўйиш, ҳар биримиз учун фойдали.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**




## ДИПЛОМАТЛАР ҚАЙТИШИГА РУХСАТ ЭТИЛДИ

АҚШ давлат департаменти Америка дипломатларининг Гаитига қайтишига рухсат берди. Бироқ Гаитида вазият кескинлигича турганлигини алоҳида уқтирди.

Гап шундаки, Гаитида вазият қалтислашгани боис, 21 февралда Америка дипломатларига мамлакатни тарк этишлари буюрилган эди. 8 кундан сўнг эса, яъни мамлакатда қуролли тўқнашувлар авж олиб кетгач, Гаити Президенти Жан-Бертран Аристид мамлакатдан қочиб кетди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

## УЧИНЧИ МУДДАТГА ҲАМ

«Христиан ҳаракати» сиёсий партияси Украинанинг амалдаги раҳбари Леонид Кучма номзодини шу йил 31 октябрда бўладиган Президент сайловида учинчи муддатга қўйишни мўлжаллаб турибди. Ужгород шаҳрида бўлиб ўтган партия қурултойида бу борада якуний сўз айтилди.

Украина Демократик партиясининг Қрим ташкилоти ҳам Кучма номзодини учинчи муддат учун илгари суриш мўлжали борлиги ҳақида маълум қилди. Мамлакатнинг бир неча вилоятида Кучма номзодини қўллаб-қувватлаш учун имзолар йиғувчи кўнгилли гуруҳлар ташкил этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Леонид Кучма учинчи муддатга номзодини қўймаслигини бир неча марта уқтирган.

1996 йилда қабул қилинган Украина Конституцияси ҳам бир кишининг учинчи бор президентликка сайланишини тақиқлайди. Лекин мамлакат Конституциявий суди Кучманинг президент сайлови кампаниясида иштирок этишига рухсат берди.

ИТАР-ТАСС эслатиб ўтишича, Кучма 1994 йилда биринчи бор, 1999 йилда эса иккинчи муддатга Президентликка сайланган.

## МОЛИЯЛАШ КУЧАЙТИРИЛАДИ

АҚШ Конгресси вакиллар палатаси қўмитаси таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини 2005 йилда молиялаш дастури тўғрисидаги қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуллади.

Ушбу лойиҳага кўра, дастур учун 2005 йилда 142,5 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратилади. Бу 2004 йилга қараганда 3 миллиард долларга, АҚШ Президенти Жорж Буш талаб қилганидан 200 миллион долларга кўпдир.

Энди Қонун лойиҳасини вакиллар палатаси ва сенат ҳам қўллаб-қувватлаши лозим, сўнг Президент имзолаши керак.


# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**2004 йил 12,19 август кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржаси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига такроран қуйидаги объект қўйилади:**

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, Н.Холматов кўчасида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (3-АЁҚШ)

**Бошланғич баҳоси — 38 205 АҚШ доллари**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Закалат пули «Kim oshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уй-жойжамғарма банки Тошкент шаҳар бўлимидаги валюта ҳисоб рақамига: 20208840704265383001, КОД-00425, СТИР 204563716, SWIFT: UZHOUZ 22 ўтказилади.

**2004 йил 12,19 август кунлари соат 12.00 да республика Кўчмас мулк биржаси биносида ўтказиладиган танлов савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:**

Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчаси манзилида жойлашган «Намангангазтаъминот» корхонаси таркибига кирувчи «Тўрақўрғон газ тўлдириш шахобчаси» унитар корхонаси, фаолият тури ўзгартмаслик шарти билан.

**Бошланғич баҳоси — 73 187 100 сўм.**

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги тизимидаги Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Бешкент йўли 6-км., манзилида жойлашган «Қарши газ тўлдириш шахобчаси» унитар корхонаси, фаолият тури ўзгартирмаслик шарти билан.

**Бошланғич баҳоси — 182 782 000 сўм.**

Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Амир Темур жамоа хўжалигида жойлашган «Яккабоғ газ тўлдириш шахобчаси» унитар корхонаси, фаолият тури ўзгартирмаслик шарти билан.

**Бошланғич баҳоси — 39 214 886 сўм.**

Навоий вилояти, Конимех туманида жойлашган «Конимех газ тўлдириш шахобчаси» унитар корхонаси, фаолият тури ўзгартирмаслик шарти билан.

**Бошланғич баҳоси — 40791 000 сўм.**

Талабгорларнинг муҳрланган конвертлардаги бизнес режалари, объектни сотиб олиш нархи бўйича таклиф ва аризалари қабул қилиш савдо белгиланган кундан 3 кун олдин тўхтатилади, яъни 9 август соат 12.00 гача қабул қилинади.

Агар шу куни талабгорлардан етарли миқдорда таклифлар тушмаган ҳолда, юқорида кўрсатилган тартибда савдо 2004 йил 19 август куни ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «Kim oshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уй-жойжамғарма банки Тошкент шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000404265383001, КОД-00425, СТИР 204563716 ўтказилади.

Танлов савдосига талабгорлар томонидан тушган таклифларни кўриб чиқишда берилган юқори нарх ёки бизнес-режа инобатга олинади.

***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!***

***Имкониятингизни бой берманг!***

**Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.**

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўроздоев кўчаси, 1 «А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 2-хона.
Маълумот учун телефонлар: 46-23-14, 46-25-48, 46-22-43.
Веб сайт: www.rkmb.uz

**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ**

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 13, 17, 20, 24, 27, 31 август ва 3, 7, 10, 14, 17, 21, 24, 28 сентябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига**

**Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига эгалик ҳуқуқи қўйилади.**

*Мирзо Улуғбек тумани, Ҳусанбоев кўчасида, майдони 0,015 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 786 000 сўм;***

***Сирғали тумани:***

*Дарё бўйи кўчаси, 52-уй ёнида жойлашган майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 296 000 сўм, майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 148 000 сўм.***


*Шунингдек, Хўжалик судининг қарори билан банкрот деб эълон қилинган Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Нилуфар, 5-уйда жойлашган, «SIRG'ALI TBK» ОАЖнинг мол-мулклари 300 000 000 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.*

*Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан уч кун аввал, қолган объектларга савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.*

*Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.*

*Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.*

***Гувоҳнома №000815***



**ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ**
**«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»**
**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН**

***«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларини (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.***

**Товар сертификатланган.**

**Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63**
**факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru**


## НОҚОНУНИЙ ДЕБ ТОПИЛДИ


Гаага халқаро суди Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида Исроил томонидан тикланаётган «муҳофаза девори» қурилишини ноқонуний деб топди. Мазкур масалани кўриб чиққан 15 судьядан 14 нафари девор фаластинликлар ҳуқуқини чеклаб қўйишини билдириб, унинг маълум қисмини бузиб ташлаш керак деган фикрга келдилар. Шунингдек, фаластинликларга етказилган зарар учун товон пули тўланиши шартлиги уқтирилди. Негаки, девор қурилгани боис кўпгина фаластинликлар ишларидан, далаларидан айрилдилар, болалар эса мактабларга боролмай қолишди. Чунки, мактаб ва далалар деворнинг у томонида қолиб кетган.

Эслатиб ўтамиз: ўтган йили фаластинликлар мазкур масала бўйича БМТ Бош Ассамблеясига мурожаат этган эди. Шундан сўнг, яъни декабрда Ассамблея девор қурилиши масаласи қанчалик қонуний ёки ноқонуний эканлигини ўрганиб чиқишни БМТнинг олий органи — Гаага халқаро судига топширган эди.

Маълумки, Исроил режасига кўра, девор 685 километр масофада қурилиши лозим. Ҳозиргача 180 километрга яқини қурилган. Исроилликларнинг фикрича, — дейилади Ha`aretz газетаси ахборотида, — девор қад ростлаган шунча масофада фаластинлик жангарилар томонидан теракт-лар содир этилиши 90 фоизга камайган. Шунинг учун ҳам Исроил маъмурияти 2005 йил охиригача девор қурилишини якунламоқчи.

Гаага халқаро судининг қарори нима бўлади, деган саволга қайтадиган бўлсак, Исроил маъмурияти бу қарорни тан олишни хоҳламаяпти. Улар бу масалани муҳокама этиш халқаро суд ваколатига киритмаслигини уқтирмоқдалар.

Дарҳақиқат, халқаро суд қарори мажбурий характерга эга эмас, балки тавсия этиш мақомидадир. Бироқ халқаро суд бу масала муҳокамасини БМТ Хавфсизлик Кенгашига олиб чиқиши мумкин. Кенгаш эса резолюция қабул қилиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам фаластинликлар девор қурилиши масаласини БМТ Бош Ассамблеяси ҳукмига ҳавола этилишини исташмоқда.



## ИХТИРОЧИЛИКДА ЯГОНА

Financial Times газетаси хабар беришича, 2003 йил якунлари бўйича Бутунжаҳон акл-заковатлилар ташкилотида қайд этилган ихтирочилик патентлари сони жиҳатидан АҚШ биринчиликни қўлга киритди.

Дунё бўйича жами 110114 та халқаро ихтирочилик патенти берилган бўлса, шундан 33 фоизи Америка ҳиссасига тўғри келади.

Кейинги ўн йилда биринчи марта Япония иккинчи ўринга чиқди, яъни 15 фоиз ихтирочилик японлар меҳнатининг самарасидир. 13 фоизлик кўрсаткич билан Германия учинчи ўринни ишғол этди. Сўнг Буюк Британия, Франция ва Нидерландия ихтирочилари муваффақиятли ўринларни эгаллашган. Шунингдек. 3 мингта халқаро патентни қўлга киритган Жанубий Корея, Хитой (1205 та патент) ва Ҳиндистон (661 та патент) ҳам кучли ўнталикдан жой олган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, халқаро патентларнинг асосий қисми фармацевтика, коммуникация тизими ва ҳисоблаш техникаси соҳаларида қўлга киритилган.

Компаниялар орасида энг кўп патентга эга бўлгани Голландиянинг Philips компаниясидир. Ундан сўнг немисларнинг Siemens концерни, японларнинг Matsushita корпорацияси, америкаликларнинг 3M ва Intel компаниялари ўрин олган.


**OAO «TEMIRYO`LTA`MIN»**

Наблюдательный Совет ОАО «TEMIRYO`LTA`MIN» сообщает о проведении внеочередного Общего собрания акционеров, которое состоится 13 августа 2004 г. в 11 часов по адресу: г.Ташкент, Сергелийский район, ул.Проектная, Г-24.

Список акционеров, имеющих право участвовать в внеочередном общем собрании акционеров, составлен по данным реестра закрытым по состоянию на 13 июля 2004 г.

**ПОВЕСТКА ДНЯ**

1. Внесение изменений в Устав ОАО «TEMIRYO`LTA`MIN»
2. О поощрении председателя Наблюдательного Совета.

Регистрация участников собрания проводится в 10 часов по выше указанному адресу. При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а представителям акционеров-нотариально заверенные доверенности. Представителям акционеров юридических лиц необходимо иметь доверенность, заверенную руководителем.

**Справки по телефону: 58-72-00.**
**Наблюдательный Совет ОАО «TEMIRYO`LTA`MIN»**

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги «ХЕМО ТЕХНОИНЖИНИРИНГ» масъулияти чекланган жамияти

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Боғибаланд кўчаси, 18[а] уй.

World Chess Championship 2004

# РУСТАМНИНГ ЮКСАК ПАРВОЗИ



Бугун бутун дунё шоҳмот шинавандаларининг нигоҳи Триполи(Ливия)да ўтаётган жаҳон чемпионатига қаратилган. Айни чоғда барча оммавий ахборот воситалари ушбу нуфузли мусобақанинг финал учрашуви тафсилотлари ҳақида ёзишмоқда. Чемпионат ,бош соврини учун ҳал қилувчи партияларда дона сураётган сараланган икки шоҳмот устасидан бирининг ўзбек ўғлони эканлиги эса ўзбекистонликман, деган ҳар бир юртдошимизнинг қалбини ғурурга тўлдираётганлиги шубҳасиз.

Аввалги босқичларда жаҳоннинг бир қатор етакчи гроссмейстерларини мағлубиятга учратган йигирма беш ёшли ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов нечоғли юксак иқтидор эгаси эканлигини намойиш қилмоқда. У финалда англиялик Майкл Адамсга қарши дона суряпти. Агар инглиз шоҳмотчисининг Рустамдан саккиз ёш катта эканлиги ҳамда дунё таснифида кучли ўнликдан жой олиб турганлигини назарда тутсак, вакилимизнинг рақиби анча тажрибали эканлигини билиб олиш қийин эмас.

Якшанба куни финалнинг бешинчи партияси ўйналди. 2,5:1,5 ҳисобида олдинда бораётган Қосимжонов мазкур партияда ғалаба қозонса кифоя эди. Аммо оқ доналарда ўйнаган Майкл Адамс тахтада бирмунча устунликни қўлга киритиб, вазиятни тенглаштирди — 2,5:2,5.

Кеча, мусобақа низомига кўра, финалнинг сўнгги партияси ўйналди. Мусобақа финали қандай натижа билан ниҳоясига етганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон шоҳмоти тарихида илк бор ўзбек гроссмейстерининг жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиш учун дона сурганлигининг ўзи алоҳида таҳсинга сазовордир. Ёдингизда бўлса, бундан ўн йил муқаддам Рустам Осиё чемпионлигини қўлга киритгач, Президентимиз Ислом Каримов ёш шоҳмотчига компьютер ва 300 мингдан зиёд сара ўйинлар матни ёзилган диск совға қилган, унга шоҳмот оламида юксак довонларни забт этишини тилаган эдилар. Юртбошимиз совғасини қабул қилгач, орадан бир неча йил ўтиб, иқтидорли шоҳмотчи давлатимиз раҳбарига мактуб ёзди. Унда шундай жумлалар бор эди: «Очиғи, мустақиллик бўлмаса, мен қаерда эдиму, халқаро турнирлар, компьютерда жаҳон шоҳмоти сир-асрорларини ўрганиш қаерда эди. Ана шу имкониятни яратганингиз учун, Мустақиллигимизнинг Ватанимизда абадий яшаши учун, муқаддас Ўзбекистон байроғининг жаҳоннинг энг буюк шаҳарлари узра баланд кўтарилмоғи, Мадҳиямизнинг дунё осмони бўйлаб янграши учун бор куч-қувватимни бағишлайман. Сизнинг спортга, шоҳмот ва шоҳмотчиларга кўрсатаётган ғамхўрлигингизга жавобан бундан сўнг бутун ғайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиш учун курашга қаратмоқчиман. Истардимки, мен туфайли ҳам мустақил Ўзбекистон номи дунё бўйлаб яна бир карра жаранглисин. Сизга чексиз миннатдорлик билан ўғлингиз Рустам ҚОСИМЖОНОВ. 1997 йилнинг 3 октябри.»

Иқтидорли ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов шоҳмот оламидаги оламшумул парвози билан бугун сўзининг устидан чиқаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**


## Ҳурматли йўловчилар!

## Тошкент — Шовот (Урганч) — Тошкент

*йўналиши бўйича янги йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.*

**Янги поездда купе ва СВ вагонлари бўлиб, улар кондиционерлар билан жиҳозланган. Поезд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиб, Амударё устидан қурилган янги кўприкдан ўтади ва йўловчиларнинг йўлда бўлган вақтини сезиларли қисқартиради ҳамда темир йўл чиптаси баҳосини камайтиради.**

**Тошкент — Шовот йўналиши бўйича йўл ҳақи баҳоси:**

- *умумий вагонда — 4 671 сўм;*
- *плацкарт вагонида — 9 034 сўм;*
- *купе вагонида — 14 796 сўм;*
- *СВ вагонида — 29 671 сўм.*

**Темир йўл чиптаси баҳоси 2004 йил 22 июнь ҳолатига кўра ҳисобланган. Валюталарнинг сўмга нисбатан курси ҳар ҳафтада ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда чипталар баҳоси ҳам ўзгаради.**

| Йўналиш жадвали | Жўнаб кетиш | Етиб бориш |
|---|---|---|
| №56 Тошкент — Шовот | душанба, 17.15 | сешанба, 13.20 |
| №56 Шовот — Тошкент | сешанба, 14.25 | чоршанба, 10.25 |



*«Ўзтемирйўлйўловчи» маъмурияти*


## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ОТНИ ТЕПМАЙДИ ДЕМА, ИТНИ ҚОПМАЙДИ ДЕМА

«Итнинг аччиғи қуйруғидан билинар, отнинг аччиғи қулоғидан билинар» («Итнинг аччиғи келиб, нияти бузилиб, кишини қопмоқчи бўлса, думини гажак қилади, отнинг аччиғи келиб, кишини тепмоқчи бўлса, қулоқларини дингайтиради. Бу ҳол — сенинг улардан эҳтиёт бўлиш, сақланиш чораларини кўришинг учун белги бўлмоғи керак», дейилмоқчи); «Ювош отнинг тепкиси қаттиқ бўлади»; «Ювош мушук қаттиқ тимдалайди» (Булар билан: «Э, у (от, ит, мушук ва умуман, ҳар бир нарса ва кимса) ювош, мўмин-қобил, бировга озор бермайдиган-ку, деб ишониб, бамайлихотир яқинлашиб, истаган гап-сўзингни, жавоб-муомалангни қилиб юраверма. Ҳар бир нарса ва кимсадан доимо огоҳ, ҳушёр, эҳтиёт бўлиб юр», деб таълим берадилар).

### ОТИНГ БОРИДА ЕР ТАНИ, ОШИНГ БОРИДА ЭР ТАНИ

«Ошинг борида эл тани, кучинг борида ер тани»; «Отанг борида эр тани, отнинг борида ер тани»; «Отинг борида йўл тани, эсинг борида эл тани»; «Ошинг борида эр тани, бериб юриб, отинг борида ер тани, елиб юриб»; «Ўз кучингни елга берма, ерга бер, жамғармангни селга берма, элга бер». Бу мақоллар билан: «Умр — ўткинчи нарса. Унинг ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзаси-ю фурсати — ғанимат. Шунинг учун умрингни бехуда, зое ўтказиб юборма. Куч-имкониятинг бор пайтда уларни ишга солиб қол: узоқ-яқинга сафар қил, дунёни кўр, ошна-оғайни, дўсту ёр орттир», деган маънода насиҳат қиладилар.

### «ОҚ» ДЕСА — ОҚ, «КЎК» ДЕСА — КЎК

Буни лаганбардор одам тилидан: «Хўжайин мени «яхшисан» десалар ҳам, «ёмонсан» десалар ҳам, «маъқул» дейман», деган маънода киноя ва истеҳзо тарзида айтадилар. «Хўк» деса — хўк, «чўк» деса — чўк» мақолини ҳам лаганбардор одам тилидан: «Хўжайин «Тур!» десалар — турамиз, «Юр!» десалар — юрамиз, «Ўтир!» десалар — ўтирамиз. Хуллас, у киши нима десалар, шуни бажо келтирамиз» деган маънода айтадилар.


# Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
# Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети
# 2004-2005 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қуйидаги таълим йўналишларига
# ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:**

*Математика (ўзб., рус., тож. тилида)*
*Механика (ўзб. тилида)*
*Амалий математика ва информатика (ўзб. тилида)*
*Физика (ўзб., рус., тож. тилида)*
*Касбий таълим (ўзб. тилида)*
*Кимё (ўзб., рус. тилида)*
*Биология (ўзб., рус., тож. тилида)*
*Экология ва табиатдан фойдаланиш (ўзб. тилида)*
*География (ўзб. рус. тилида)*
*Ўзбек филологияси*
*Славян-рус филологияси*
*Фалсафа (ўзб. тилида)*
*Социология (ўзб. тилида)*
*Иқтисодиёт (ўзб., рус. тилида)*
*Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш (ўзб., рус., тож. тилида)*
*Педагогика-психология (ўзб. тилида)*
*Тупроқшунослик (ўзб. тилида)*
*Ҳуқуқшунослик (ўзб., рус. тилида)*
*Тарих (ўзб., рус тилида)*
*Информатика ва ахборот технологиялари (ўзб. рус., тож. тилида)*
*Электроника ва микроэлектроника (ўзб. тилида)*
*Мусиқа (ўзб. тилида)*
*Жисмоний маданият ва жисмоний тарбия (ўзб., рус. тилида)*
*Шарқ (тожик) филологияси (тож. тилида)*
*Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси (ўзб. тилида)*
*Менежмент (ўзб. тилида)*
*Мактабгача таълим ва болалар спорти (ўзб. тилида)*
*Меҳнат таълими (ўзб., тож. тилида)*





**Махсус сиртқи бўлимга ўрта махсус маълумот ҳамда тегишли таълим тури бўйича камида 3 йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагогик кадрлар давлат гранти ва тўлов контракт асосида**

*Касбий таълим (ўзб.тилида)*
*Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш (ўзб., рус тилида)*
*Информатика ва информацион технологиялар (ўзб. тилида)*
*Мусиқий таълим (ўзб. тилида)*
*Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (ўзб. тилида)*
*Ўзбек тили ва адабиёти (ўзб. тилида)*
*Тожик тили ва адабиёти (тож. тилида)*
*Меҳнат таълими (ўзб. тилида)*
*Мактабгача таълим ва болалар спорти (ўзб. тилида) бўлимларига қабул қилинади.*

**Ҳужжатлар 20 июлгача соат 8.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Тест синовлари 1 август куни ўтказилади. Ижодий (профил) имтиҳонлар (тожик тили адабиёти, жисмоний тарбия, мусиқа, тожик тилида таълим олувчи мутахассисликлардан) 21-25 июлда ўтказилади.**

**Университетда барча вилоят ва туманлардан келган абитуриентларга қулай шароитлар яратилган. Улар ётоқхона билан тўлиқ таъминланади. Абитуриентлар учун тест синовларига кирган фанлар бўйича малакали профессор-ўқитувчилар томонидан консультациялар олиб борилади.**

**Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган талабалар университетдаги замонавий ўқув ҳамда, компьютер, лингафон хоналари, кутубхона, лаборатория, СамДУ тарихи ва бугунги кун ҳаётини акс эттирувчи музей, муҳташам спорт заллари, поликлиника ва профилакторий хизматидан фойдаланадилар.**

**Талабаларга малакали профессор-ўқитувчилар томонидан замонавий таълим стандартлари асосида дарслар олиб борилади.**

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри,**
**Университет хиёбони — 15, физика-кимё факультетлари биноси**
**Телефон: 35-19-38, 35-01-74.**
**СамДУ қабул комиссияси**



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 862

7307 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.45
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA